



Қайд этиш лозим, Ўзбекистондаги ёшларга оид ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар-2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. 2022 йил туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” ва Бухоро шаҳри Биринчи туркий дунё Ёшлар ташаббуслари пойтахти деб эълон қилинган эди. 2024 йилда эса Тошкентнинг МДХ давлатлари ёшлар пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътиборнинг юксак самарасидир.

Давра суҳбати



СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ:
назария ва амалиёт

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган янги босқичдаги ислохотлар жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасида суд тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг чинакам мустақиллигига эришиш масаласи марказий ўринга чиқди.

Бу жараёнда суд органларининг ҳар қандай ташқи ва ички таъсирдан холи, фақат қонун ва виждон асосида иш олиб бориши, судьяларнинг ҳолиси, сиёсий таъсирлардан мутлақо узоқ ҳолда профессионал қарорлар қабул қилиши нафақат адолатли судловнинг, балки фуқаро-давлат муносабатларидаги ишончининг ҳам муҳим кафолатига айланмоқда. Айни шу долзарб масалаларни муҳокама қилиш, назария ва амалиётдаги муаммо ва ечимларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамкорлигида “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш: назария ва амалиёт” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Шухрат Полванов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари иштирок этган тадбир давомида судьяларнинг ҳуқуқий мақоми ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги тизимли ёндашувлар, суд тизимидаги ташкилий ва институционал ислохотлар, жумладан, “Ўзбекистон Республикасидаги судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда “Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом лойиҳаси муҳокама қилинди.

Учрашувда сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгаши раиси судьянинг зиммасида инсон тақдири, жамиятда адолатга бўлган ишонч муҳитини белгилайдиган қарорлар қабул қилишдек улкан масъулият борлигига алоҳида урғу бераркан, буни чуқур ҳис этиш, вазиятга ҳолис баҳо бериш, ҳар икки томонни диққат билан эшитиш ва адолат мезонидан чекинмаган ҳолда тўғри ҳулоса чиқариш — судьянинг асосий фаолият мезони бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу борада тарихий мисолларга мурожаат қилиб, Темурийлар даврида суд ишларини амалга оширган қозилар — ўз даврининг энг билимдон, ҳалол ва нуфузли шахслари бўлганини, уларнинг инсоф ва адолат билан чиқарган қарорлари халқнинг суд тизимига бўлган ишончини юксак даражада оширганини эслатиб ўтди.

Суд тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар орасида энг муҳимларидан бири — судья мустақиллигини ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамлаш бўлди. Конституциянинг 136-моддасида судьялар фақат қонун ва виждонга бўйсунган ҳолда иш юритиши, уларнинг фаолиятига аралаштириш тақиқлангани ва бундай аралашув учун жавобгарлик белгилангани суд ҳокимияти мустақиллигининг қонуний асосини шакллантирди. Шунингдек, судларга босим ўтказиш, уларнинг иш фаолиятига ноқонуний аралаштириш ҳолатларининг олдини олиш учун маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилди. Бу эса судьяларнинг ўз фаолиятини хавотирсиз, ҳолис ва адолатли амалга оширишига хизмат қилади.

— Ўзбекистонда давра суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зухриддин Мавлонов ҳам сўзга чиқиб, суд тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим тақлифларни илгари сурди.

Тадбир сўнггида суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган муносабатдорлар, депутатлар ҳамда ҳуқуқшунослар судьяларнинг иш юкламаси, ёш кадрлар тайёрлаш, ҳудудларда кадрлар барқарорлиги, суд фаолиятига четдан аралашув ҳолатларини бартараф этиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича фикр алмашишди.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати

БАНКЛАРНИ
САНАЦИЯ
ҚИЛИШ ВА
ТУГАТИШ

тартиби
белгиланди

Қонунда банкларни санация қилиш билан бир қаторда, уларни ихтиёрий ва мажбурий тугатишнинг ба- тафсил тартиби ҳам белгиланди. Ушбу ҳужжат қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунчиликка муво- фиқ, банкларни тугатиш “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган бўлиб, унда банкларни тугатишнинг ҳуқуқий асоси тўлиқ ёритилмаганди.

МАНЗИЛЛИ
ЎРГАНИШЛАР:

муаммолар ҳал бўлмоқда

— Ўрганишимиз чоғида иккинчи гуруҳ ногирони Муни- сахон Убайдуллаева хонадониди бўлиб, унинг оилавий шароити билан танишдик, — дейди депутат Дилмурод Исмоилов. — Болаликдан ногирон бўлган 39 ёшли Мунисахон ҳукумат томонидан субсидия асосида чок машинаси билан таъминланган, аммо буюртмачи йўқ- лиги сабабли дастурда назарда тутилган бандлик са- марасига эришмаган. Даромад етишмаслиги сабабли яшаш хонадонини таъмирлаш имконига эга бўлма- ган. Бу масалада маҳалла раиси Содиқжон Рўзиев томонидан ёрдам кўрсатиш бўйича келишувга эришилди.

“BIZ ODOM SAVDOSIGA
QARSHIMIZ”



1-31 IYUL
RESPUBLIKANING BARCHA
HUBUDLARIDA ISHTIROK ETING!

Биз одам савдосига қаршимиз

30 июль — Халқаро одам савдосига қарши курашиш куни муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси июль ойини “Биз одам савдосига қаршимиз” ҳуқуқий-тарғибот олдига қарши эълон қилади.

Маъмур ташаббусдан кўзланган асосий мақсад — жамиятдаги инсонпарварлик, адо- лат ва қонун устуворлигига жиддий хавф солувчи одам савдосининг оғир оқибатлари ҳақида жамоатчилик хабардорлигини оши- риш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонли- гини юксалтириш, жабрланувчиларга ёр- дам бериш механизмларини кучайтириш ҳамда ушбу иллатга қарши курашда жамия- тни бирлаштиришдан иборат.

Ойлик доирасида республикаимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, ишсизлик да- ражаси юқори бўлган маҳаллаларда кенг камровли тадбирлар ўтказилиши режа- лаштирилган. Хусусан, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар учун ҳуқуқий маслаҳатлар, семинар-тренинглар, учра- шувлар, шунингдек, ишсиз фуқаролар- нинг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари ташкил этилади. Бун- дан ташқари, одам савдосидан жабрланган-

ларни реабилитация қилиш марказлари фа- олияти жамоатчилик назорати тартибиди ўрганилади.

Акция Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси каби қатор масъул давлат идоралари билан яқин ҳам- корликда амалга оширилмоқда.

Барча фуқароларимизни ойлик доира- сидаги тадбирларда фаол иштирок этишга чақирамиз. Ўзингиз ва яқинларингизни одам савдосидан асранг, алдов қурбонига айланиб қолманг!

Биргаликда хавфсиз жамият кураимиз!

Қўшимча маълумот учун:
+99899 421-93-18
+99899 154-55-02



НЕГА БОЛАЛАРИМИЗНИНГ
синтетик оғудан заҳарланишига

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛЯПМИЗ?!



Асримиз вабоси сифатида қайд эти- ладиган янги синтетик психотроп модда- лар бежиз интернет орқали тарқатилма- япти. Зеро, бу жараёнда сотувчи ва ха- ридор бир-бирини кўрмайди. Пул онлайн тўланади, сотувчи эса маҳсулотини бирон овлоқ жойга яшириб, харидорига локация ташламоқда. Натижада асосан сотувчи эмас, харидор қўлга тушиб қолмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар асосан ёшлар эканлигини эътиборга олсак, фо- жиа кўлами янада ойдинлашади.

Спектаклни кўзимда ёш билан томоша қилдим. Унда кўрганларим фақат сахна воқелиги эмас, балки ҳаётимизда рўй бе- раётган бугунги ориқли ҳақиқат. Шу боис, асар моҳиятида яширин қаҳириқни илға- дим: «Ота-оналар! Фарзандлар! Ёшлар! Ҳушёр бўлинг!». Қаҳириқни афвал бир то- мошабин сифатида эмас, аввало, ёшлар вакили сифатида айтаяпман.



“Адолат” СДП
Матбуот хизмати

Иигилишда расмий статистика соҳасида давлат бокоршуви тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди. Муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси қўлба-қўлватланди.

БАНКЛАРНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни халқаро стандартларга мос келувчи банк қонунчилигини яратиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг янги тахрирда қабул қилингани банк тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичи бошланиши учун мустақкам пойдевор яратди.

Президентимиз томонидан шу йил 23 июнь куни “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун имзолангани ҳам ушбу ислохотларнинг узвий давомидир, десак янглишмаймиз. Бинобарин, қонун халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизнинг банк-молия тизимида барқарорликни мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, жаҳоннинг деярли барча давлатларида санация қилиш тизими банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий воситаси саналади.

Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

ЙИРИК ИНҚИРОЗЛАРГА ҚАРШИ ТИЗИМ

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, банкни санация қилиш деганда, нима тушунилади? Бу банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, унинг ўта муҳим вазифалари узлуксизлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуидир.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ, банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, уни мажбурий тугатиш механизмидан фойдаланилارد. Бу амалиёт асосан кичик банклар учун мўлжалланган бўлиб, йирик банклар тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, уларни мажбурий тугатиш тизимини молиявий инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Сабаби, йирик банклар бир неча минглаб йирик корпорациялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатади. Мазкур банклар фаолиятининг тўхтаб қолиши ва миқозларининг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиши ушбу миқозларнинг бошқа тадбиркорлик субъектлари олдидида мажбурий ятларини бажара олмаслигига олиб келади ва бу “занжир реакцияси” тарзида охир-оқибат бутун иқтисодиётга тарқалиб, йирик инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ЕЧИМИ

Аҳамиятли жиҳати, қонунда банкнинг ўта муҳим вазифалари узлуксизлигини таъминлаш банкларни санация қилишдан кўзланган энг асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланди.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолса, унинг лицензияси Марказий банк томонидан қақариб олинган ва тугатиш комиссияси тайинланиб, банкни мажбурий тугатиш жараёни бошланган.

Мажбурий тугатиш жараёни эса бир неча ойлаб ва ҳаттоки, йиллаб давом этиб, бу даврда банк миқозларининг ўз маблағларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Миқозларнинг маблағлари банкнинг мол-мулки сотилгандан кейингина қайтарилган.

Мазкур ҳужжат билан эса ушбу муаммолар бартараф этилди. Яъни, банкларни санация қилишда унинг ўта муҳим вазифаларининг тўхтаб қолиши йўл қўйилмайди. Бунда актив ва мажбуриятларни ўтказиш воситасидан фойдаланган ҳолда банк миқозларининг маблағлари бошқа соғлом банкка ёки оралик банкка ўтказилади ва миқозлар ҳеч қандай узилишларсиз ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, қонунда санация қилишда банкнинг омонатчилари, кредиторлари ва акциядорларининг мажбурий тугатишдаги нисбатан кўпроқ зарар кўришига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бунда кредитор ва акциядорларнинг санация қилиш натижасида кўрган зарарлари мазкур банк мажбурий тугатилган тақдирда улар кўриши мумкин бўлган зарарлардан ошганлиги ёки ошмаганлигини аниқлаш учун санация қилиш жараёни тугагандан сўнг баҳолаш ўтказилади.

Баҳолаш натижаларига кўра, банкнинг кредитор ва акциядорлари санация натижасида мажбурий тугатишдаги нисбатан кўпроқ зарар кўрганлиги аниқланса, уларнинг ортиқча кўрган зарарлари қоплаб берилади.

Қонунда банкларни санация қилиш билан бир қаторда, уларни ихтиёрий ва мажбурий тугатишнинг батафсил тартиби ҳам белгиланди. Ушбу ҳужжат қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ, банкларни тугатиш “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган бўлиб, унда банкларни тугатишнинг ҳуқуқий асоси тўлиқ ёритилмаган.

Банкларни ихтиёрий тугатиш Марказий банкнинг рухсатномаси асосида амалга оширилди ва ушбу рухсатнома бир босқичли тартибда бериларди. Бу тизимнинг асосий камчилиги шундаки, ихтиёрий тугатиш жараёнида, биринчи навбатда, омонатларнинг маблағлари қайтарилишини назорат қилиш имкони мавжуд эмасди. Бунинг оқибатида эса, энг аввало, кредиторларнинг маблағлари тўланиб, омонатчиларнинг маблағлари тўланишининг кечикиши, айрим ҳолларда эса улар ўз маблағларини тўлиқ ололмаслиги хавфи бор эди.

Мазкур қонун билан ушбу муаммо бартараф этилди. Яъни, эндиликда банкни ихтиёрий тугатишга доир Марказий банкнинг рухсатномаси икки босқичли тартибда берилади. Аввал дастлабки рухсатнома берилиб, банкка барча омонатларни ўз эгаларига қайтариш мажбурияти юкланади. Банк омонатларни ўз эгаларига тўлиқ

қайтариб берган тақдирдагина яқуний рухсатномани олиши мумкин бўлади.

Бу тартибнинг жорий этилгани омонатчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишига, уларнинг маблағлари бут сақланишига ва миқозларнинг банк тизимига бўлган ишончининг ошишига хизмат қилади.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК — ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Мазкур қонун билан амалиётга жорий этилаётган яна бир муҳим янгилликлардан бири — бу Молиявий барқарорлик кенгашининг ташкил этилишидир.

Амалдаги қонунчилигимизда мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш, тизимли молиявий инқирозлар вужудга келишининг олдини олиш ва бундай инқирозлар вужудга келганда, уни бартараф этиш ёки салбий оқибатларини юмшатишга маъсул бўлган бирор бир ягона мувофиқлаштирувчи орган мавжуд эмасди. Бу эса молиявий инқироз шароитида молия тизимини назорат қилувчи органларнинг турли йўналишда ҳаракат қилишига, уларнинг ҳаракатларида ўзаро номувофиқликлар вужудга келишига ва бунинг натижасида эса молиявий инқирозни бошқариш қийинлашишига олиб келиши мумкин.

Молиявий барқарорлик кенгашининг ташкил этилиши мазкур муаммоларнинг бартараф этилишини таъминлайди.

Қонунда Молиявий барқарорлик кенгаши мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, тизимли молиявий инқирозларнинг келиб чиқиш хавфларини ўрганиш, уларнинг юзага келишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, юзага келган молиявий инқирозларни бошқариш ҳамда оқибатларини бартараф этиш мақсадида идоралараро мувофиқлаштиришга доир ваколатларни амалга ошириши белгиланди.

Бошқача қилиб айтганда, Молиявий барқарорлик кенгаши инқироз даврида молия тизимини назорат қилувчи регуляторларнинг яқдил ва бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишини таъминлайди.

Қонун банкда тўловга қобилиятсизлик ҳолати вужудга келганда нобарқарорлик устидан тезкорлик билан назорат ўрнатиш ва тўловга қобилиятсиз банкнинг банк тизими ва иқтисодиётга салбий таъсирини камайтиришга, банкнинг ўта муҳим вазифалари ва хизматлари узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, миқозларнинг банк тизимига бўлган ишончини ҳамда мамлакатимизда молиявий барқарорликни мустақкамлашда катта ўрин тутади.

Жамиятда адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу – ривожланган ҳуқуқий давлатнинг шундай бир пойдеворики, усиз фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ёки адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу мақсадда кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва суд органлари ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

СУД МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЯНГИ КАФОЛАТЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИККА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА?



Зухриддин МАВЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Янги тахрирдаги Конституциямиз судьяларнинг дахлсизлиги ва уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувга йўл қўйилмаслиги каби фундаментал нормалар билан ислохотлар учун мустақкам ҳуқуқий асос яратди.

Эндиги вазифа – ана шу конституциявий кафолатларни амалиётга тўлиқ татбиқ этадиган, ҳар бир судьяни ҳимоя қиладиган ва унга ўз вазифасини холис бажариши учун барча шароитларни яратадиган тизимли қонунчилик базасини шакллантиришдир.

Бугунги кун тартибидидаги энг муҳим масалалардан бири – “Судьялар мақоми тўғрисида”ги қонунни қабул қилишдир. Ҳозирда судьяларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ нормалар турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланган. Бу эса ҳуқуқни қўллашда ноаниқликларни келтириб чиқариши ва судьяларнинг кафолатларини тўлиқ таъминлашга имкон бермаслиги мумкин.

Таклиф этилаётган янги қонун судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги, моддий-ижтимоий ҳимояси, уларни тайинлаш ва интизомий жавобгарликка тортиш каби барча жиҳатларни ўзида жамлаши кўзда тутилган. Россия, Қозғистон каби қатор давлатларда бундай қонуннинг мавжудлиги ва у ўзининг самарасини бергани бу ташаббуснинг нечоғли тўғри эканини кўрсатади.

Судьянинг холислиги ва мустақиллиги бевосита унинг касбий ва ижтимоий ҳимояланганлигига боғлиқ. Шу боис, бу йўналишда бир нечта муҳим таклифлар илгари сурилмоқда:

- Амалдаги тартибдаги кўра, юқори органлар томонидан тайинланган сайланган судьяларнинг ваколатларини қўйи турувчи малака ҳайъатлари томонидан тугатиш амалиёти мавжуд. Бу ҳолат ҳуқуқий иерархия тамойилларига зиддир. Шу боис, бу тартибни АҚШ, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг илгор тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиб, судьяни тайинлаган органнинг ўзи унинг ваколатини тугатиш ҳуқуқига эга бўлишни белгилаш зарур.

- Судьялик фаолиятини намунали яқунлаган шахсларнинг “истеъфодага судья” мақомини сақлаб қолишни таъминлайдиган институтнинг жорий этилиши уларнинг муносиб нафақа таъминотини кафолатлайди. Бундан ташқари, уларнинг бой тажрибасидан ёш судьяларга маслаҳатчи ва мураббий сифатида фойдаланиш, суд тизимининг “оптин фонди”ни сақлаб қолиш имконини беради.

- Судьяларнинг моддий муаммолардан холи бўлиши одил судлов сифатига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли, уларни хизмат уй-жойи билан таъминлаш ёки ижара харажатлари учун бозор нархларидан келиб чиқиб, реал миқдордаги компенсация тўлаш тизимини яратиш лозим. Шунингдек, хизмат тақозоси билан тез-тез қилиб юриши сабабли фарзандларининг таълим олишида узилишлар бўлмаслиги учун уларга олий таълимга киришда муайян имтиёзлар бериш каби ижтимоий ҳимоя механизmlарини қонун даражасида мустақкамлаш таклиф этилмоқда.

Ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши – тизимни рақамлаштириш ва модернизация қилишдир. Судьяларнинг иш юкани енгиллаштириш, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш мақсадида суд ҳужжатларини таҳлил қилиш, қарорлар лойиҳасини тайёрлашда суъний интелектдан ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш вақти келди. Албатта, яқуний қарор инсон-судья томонидан қабул қилинади, ammo технологиялар техник ва таҳлилий ишларни бажариб, судья вақтининг тежаси мумкин.

Шунингдек, 30 йил аввал қабул қилинган ва бугунги кунгача 245 та қонун асосида ўзгартариш ва қўшимчалар киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни бугунги кун талабларига мослаб, унинг моддий (ҳуқуқбузарликлар таркиби) ва процессуал (иш юритuvi) нормаларини алоҳида-алоҳида кодексларга ажратиш ҳуқуқни қўллаш амалиётини соддалаштиради ва самарадорлигини оширади.

Нихоят, суд тизими ходимларининг фидокорона меҳнатини эътироф этиш ва касб нуфузини ошириш мақсадида кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам “Судьялар ва суд ходимлари кўни” касб байрамини белгилаш таклифи ҳам эътиборга молик.

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида, жумладан, Бразилия, Мексика, Украина, Қозғистон, Россия, Болгария, Литва, Грузия каби давлатларда ҳам суд тизими ходимларининг касб байрамлари белгиланган бўлиб, бу уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини ақс эттиради.

Судьялар ва суд ходимларининг касб байрамини жорий этиш уларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини таъкидлайди, касб обрўсини оширади ва суд тизимига бўлган ишончини мустақкамлайди ҳамда уларга қўшимча руҳий ва ижтимоий рағбат бериб, ўз бурчларини янада сидқидилдан ва холис адо этишга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимига шаффофликни ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва пировардида, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустақкамлашга хизмат қилади. Биз, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари, бу жараёнда фаол иштирок этиб, зарур ҳуқуқий асосларни яратишни мақсад қилганмиз.

1 ИЮЛДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

- ✓ Пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъминланган ониларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилади.
- ✓ Ўй сотиб олишда эскроу тизими жорий этилади. Шартномалар фақат давлат рўйхатидан ўтган қурилиш объектлари бўйича тузилади.
- ✓ Ногиронлик пенсиялари проактив шаклда тайинланади.
- ✓ Соғлиқни сақлаш соҳасида янги модел жорий этилади. “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури амалга оширилади.
- ✓ Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ташкил қилинади. Агентлик ташки сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.
- ✓ Хусусий назорат тизими механизмлари шакллантирилади. Якка тартибдаги уй-жойлар ва кичик ҳажмдаги нотураб бино ва униоотларни қу-

- риш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан қурилиш назорати хусусий сектор томонидан олиб борилади.
- ✓ Айрим давлат хизматлари ва функциялари хусусий секторга ўтказилади.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тартиби жорий этилади.
- ✓ “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиаларига халқаро ташкилотлар, хорижий муассасалар ва йирик компанияларда стажировка ўташига рухсат берилади.
- ✓ Экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинган ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларига “экомахалла”, “экоқийлоқ” ва “экобул” мақоми берилади.



НЕГА ЁШЛАРИМИЗНИНГ СИНТЕТИК ОҒУДАН ЗАҲАРЛАНИШИГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛАЙМИЗ?!

Премьера

“Ана кўрдингми, ўғлим?! Агар сенга ёки дўстларингга мактабда, кўчада, маҳаллада бегона шахслар турли конфет, газли ичимликларни “чарчоғингни олади”, “кўнглингни кўта-ради” дея алдаб, таклиф қилса – олмагин. Ҳеч қачон, эшит-дингми? Еяётган, олаётган нарсангга хушёр бўл. Турмуш озорларидан дилпора бўлган онангни ўйла, жон болам. Пул деб, бойлик деб, айрим иблисдан ҳам баттар одамлар сен тенги ёш болаларни заҳарлаб, умрига зомин бўлаётганини кўриб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Уйи куйсин ундайларнинг...”

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли, журналист

Аламли бу сўзлар Ўзбекистон давлат сатира театрида Халқаро гихёвандликка қарши кураш кўни муносабати билан намоиш этилган “Тотли рўёлар” спектакли премьерасидан чиқиб кетаётган 40-45 ёш чама-сидаги аёл томонидан ўз фарзандига қўнчақлик билан айтилди. Буларни эшитарканман, спектакль томошабини қалбида воқеаларнинг изтиробли акс-садоси, бефарқлик, кечикиш, фар-зандини қўлдан бой беришдек даҳ-шатли кўркунни рўйроост акс эттири-гани билан ёдда қолди, дея оламан.

Аҳамиятлиси, бугунги кунда дол-зарб ижтимоий аҳамиятга эга ушбу асар “Адолат” СДП фаол-лари – Ўзбекистонда хизмат кўрс-атган маданият ходими, ёзувчи Абдуқайюм Йўлдошев ҳамда “Ке-лажак бунёдкори” медали соҳиби Сардор Ҳамроев ижодий ҳамкорли-гида яратилди. Пьеса режиссёр Го-фур Мардонов томонидан Прези-дент администратсияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш мил-лий маркази бююртмаси доирасида саҳналаштирилди.

Партияимизнинг Олий Мажлис Қо-нунчилик палатасидаги депутатлари, Марказий аппарат раҳбар-ходимлари, ёшлар, талабалар, зиёлилар, мада-ният ва санъат соҳаси вакиллари, шу-нингдек, санъатсевар томошабинлар катта эътибор ва қизиқиш билан ку-затган спектакль аввалида қалбига олам-олам орзуларни туккан, 18 ёш ҳайратларни ила мустақил ҳаётга қа-дам қўяётган бир гуруҳ беғубор ёшлар қувончидан хурсанд бўлди. Воқеалар ривожидан шу болаларнинг бир қисми алдов ва фириб йўли билан заҳарли синтетик дори воситаларига қарам бў-либ қолганини кўриб, ларзага тушдик.

Саҳнада бундай иллатларнинг ил-диз отишида кўпинча ота-оналар-нинг бефарқлиги, фарзанд тарбияси-даги сусткашлик асосий омиллардан бири экани бадий таъсир восита-сида аксини топди. Намоиш орқали айнан шу оғриқли нуқтага – оиладаги эътиборсизлик, меҳр етишмовчилиги, эшитмайдиган, кўрмайдиган, фақат таълим муассасасидан “интизом” ку-тадиган ота-оналар муаммосига урғу берилди. Ҳақиқатан, ён-атрофда

фарзандининг дўстлари кимлиги, ин-тернетда нималар билан шуғуллана-ётгани, кайфияти нега беқарор экани билан қизиқмайдиган ота-оналар кўп. Улар фарзандларини “уйда тинч ўтирса бас”, дея эътиборсиз қолди-ради. Аммо айнан шу ёлғизлик – син-тетик моддалар савдогарлари учун имконият эканига томоша жараёнда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Пьесада мазкур фожиа ёрқин ва ҳа-ётий тасвирлар билан фош этилади. Бу эса, айниқса, ёшлар онгида хушёр-лик ва наркотик воситаларнинг барча турларига қарши иммунитетни шакл-лантиришга қаратилган муҳим бадий восита сифатида катта аҳамият касб этади. Асарда акс этган воқеалар ҳар бир томошабинни хушёрликка, фар-зандлар тақдирига бефарқ бўлмас-ликка, бу иллатга қарши ижтимоий им-мунитетни шакллантиришга чақиради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу иллат, биринчи навбатда, келажаги-миз эгалари бўлган ёшларни ўз домига

этган кўп сонли ёшларга гихёвандлик, айниқса, синтетик дориларнинг инсон ҳаётига қанчалар фожиа, дард, йўқо-тишлар олиб келиши хусусида маъ-лумотлар ҳам берилмоқда. Зотан, бу-гунги замонавий таҳдидлар курашнинг янги усулларини тақозо этмоқда.

Яна бир жиҳат. Янги турдаги син-тетик наркотикларнинг интернет, ху-сусан, Telegram каби мессенжерлар ва “darknet” орқали тарқатилишига қарши қонунчилигимиз ҳам мутано-сиб равишда такомиллаштирилмоқда. Яқинда Жиноят кодексига киритил-ган ўзгаришларга кўра, нарко-тик моддаларни телекоммуникация тармоқлари орқали сотиш ҳаракати алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифа-тида таснифланиб, жазо чоралари-нинг қучайтирилганини партияимиз тў-лиқ қўллаб-қувватлайди. Таъкидлаш жоизки, “Адолат” СДПнинг дастурий мақсадларида ёшларни ҳар томон-лама баркамол қилиб воғяга етказиш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникма-ларини шакллантириш ва ёш авлодни турли салбий иллатлардан асраш устувор вазифа сифатида белгилан-ган.

Асримиз вабоси сифатида қайд эти-ладиган янги синтетик психотроп мод-далар бежиз интернет орқали тарқат-илмаяпти. Зеро, бу жараёнда сотувчи ва харидор бир бирини кўрмайди. Пул онлайн тўланади, сотувчи эса маҳ-сулотини бирон овлоқ жойга яшириб, харидорига локация ташлаб беради.



тортади. Бир марталик қизиқиш бир умрлик фожиага олиб келиши мумкин-лигини ёшларга тушунтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-де-мократик партияси ҳам ушбу жара-ённинг фаол иштирокчиси сифатида маҳалла, таълим муассасалари ва но-давлат-нотижорат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Пар-тияимиз ташаббуси билан тегишли ва-зирлик ва агентликлар иштирокида ўқувчи ва талабалар ўртасида “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!”, “Гихёвандлик – келажак қушандаси”, каби шиорлар остида мунтазам ра-вишда учрашувлар, спорт мусобақа-лари ва маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу тадбирларда иштирок

Хўрматли ота-оналар. Хушёр бўлинг! Бугун интернет тармоқларини қаранг. “Чарчоқ кетказувчи конфет”, “энергетик ичимлик”, “таъмининг синаб кўришингиз шарт бўлган ширинлик” қабилидаги ёшларни қизиқтирадиган рекламалар тўлиб-тошиб ётибди. Ваҳоланки, уларни бир марта истеъмол қилиш билан фарзандиңизнинг ҳаёти бир андмизга заҳарланиши мумкин. Спектакль бизга шуни уқитди: фарзандимизга ҳар кунни уйда кўриш – уни билиш, дегани эмас. Уни тинглаш, у билан суҳбатлашиниш, қўллаб-қувватлаш, унинг ҳаётига дахлдор бўлиш – тарбиянинг энг асосий таянчи экан. Бугун фарзандиңиз мактабдан хурсанд кайфиятда келмади – демак, у билан гаплашинг. У интернетда соатлаб ниманидир кўряпти – қизиқинг. Унинг дўстлари ким, у қайси гуруҳларга аъзо, кечқурун нимани ўйлаб ухлайпти – билинг. Чунки синтетик дорилар – меҳрсизликдан холи бўшлиққа кириб келадиган иллат. Бу бўшлиқни фақат сизнинг эътиборингиз, меҳрингиз ва фарзандиңизга бўлган самимий муносабатингиз тўлдирга олади. Шунини унутманг!

Намоиш орқали
айнан шу оғриқли
нуқтага – оиладаги
эътиборсизлик, меҳр
етишмовчилиги,

эшитмайдиган, кўрмайдиган,
фақат таълим муассасасидан
“интизом” кутадиган ота-
оналар муаммосига урғу
берилди. Ҳақиқатан,
ён-атрофда фарзандиңинг
дўстлари кимлиги, интернетда
нималар билан шуғулланаёт-
гани, кайфияти нега беқарор
экани билан қизиқмайдиган
ота-оналар ҳаддан ташқари
кўп. Улар фарзандларини
“уйда тинч юрса бас” дея
эътиборсиз қолдиради.
Аммо айнан шу ёлғизлик –
синтетик моддалар
савдогарлари учун
айни имконият эканига
томоша жараёнда
яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Натижада асосан сотувчи эмас, хари-дор қўлга тушиб қолмоқда. Интернет-дан фойдаланувчилар асосан ёшлар эканлигини эътиборга олсак, фожиа кўлами янада ойдинлашади.

Спектаклни катта қизиқиш билан то-моша қилдим. Унда кўрганларим фақат саҳна воқеалиги эмас, балки ҳаёти-мизда рўй бераётган бугунги оғриқли ҳақиқат. Шу боис, асар моҳиятида яши-рин чакирқини илгидим: “Ота-оналар! Фарзандлар! Ёшлар! Хушёр бўлинг!”. Чакирқини фақат бир томошабин си-фатида эмас, аввало, ёшлар вакили сифатида айтаялман.

Бундай ҳаётий ва зарур хулоса-ларга ўзингиз қилишингиз учун эса ёшлар ҳам, катталар ҳам, имкон топиб театрга келинг, “Тотли рўёлар” спек-таклини томоша қилинг.



“КЎЙЛАРИМ КЎПАЙДИ ДЕБ ҚУВОНСАМ...”



Тахририятимизга Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Хўжа-кўрган МФЙ, “Бўстон” кўчаси, 80-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Илҳомжон Зокиров мурожаат қилди: У фарзандлари-нинг бахтли келажагига мўлжалланган катта миқдордаги маб-лағи исзис йўқолиб кетаётганидан, бу ҳақда адолат истаб ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилганидан, аммо улар ҳам фуқарони сарсон-саргардон қилаётганидан норози бўлиб мактуб йўллабди. Фуқаронинг мактубини айрим қисқартириш-лар билан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Хўрматли “Adolat” газетаси жамоаси. Бошимга ташвиш тушиб, сизлардан нажот истаб мурожаат қилаялман.

Мен 2015-2016 йилларда фуқаро Ҳ.А. билан келишиб, унга 70 дона туғадиган кўй олиб бердим, у ҳар битта кўйни бир ой учун ўн минг сўм эвазига боқиб беришини айтди. 2023 йилгача шу келишув бўйича ҳам-корлик қилдик. Ўтган йиллар мобайнида бир-биримизни норози қил-масдан ишладик.

2023 йилда Ҳ.А. келишув шартларини ўзгартиришни таклиф қилди. Унинг таклифига кўра, 100 та янги туғилган кўзичоқлардан 60 таси унга, 40 таси менга қолдирилган бўлди. Унинг бу шартига ҳам рози бўл-дим. А.Ҳ. келишувимизга кўра, 2024 йилда 157 та кўйдан туғилган кўзичоқлар ҳисобидан 70 тасини менга бериши керак эди. Сўрасам, кўзичоқларни “Бир миллион уч юз эллик минг сўмдан сотдим, сизга декабрь ойида нақд пул бераман”, деди. Шундан кейин у менга 2025 йилнинг 16 февраль кунини эллик икки миллион сўм олиб келиб берди. Аслида у менга тўқсон тўрт миллион беш юз минг сўм бериши ке-рак эди. Ундан бунинг сабабини ва менга тегишли маблағни нега ўз вақтида бермаганини сўрадим. У эса “ака, шундай бўлиб қолди, пул-ларингизнинг қолганини 10 кун ичида олиб келиб бераман”, деб мени ишонтирди...

Орадан тўрт ярим, беш ой вақт ўтди. Ҳали ҳануз ундан хабар йўқ. Мен уни излаб бир неча марта уйига боришга мажбур бўлдим. Аммо ҳар гал борганимда Ҳ.А.нинг отаси, акаси, хотини ва бошқа қарин-дошлари “У уйда йўқ, келса айтаман”, деб ваъда беришади. Лекин у менга телефон ҳам қилмади, учрашгани ҳам келмади. Телефон қил-сам, менинг рақамимни блоклаб қўйган. Хуллас, у билан учрашиб, гаплашиб олишини иложи бўлмагач, май ойининг биринчи ўн кунли-гида ички ишлар ходимларига мурожаат қилдим. Шундан кейин Олти-ариқ ИИБдан Шерзод исмли йиғит мени чақириб, ёзма кўрсатма олди. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Уч-тўрт марта ИИБга бориб, Шер-зод исмли суриштирувчини сўрадим, менинг аризамни олиб қолганини айтдим. Аммо ҳар сафар навбатчилар унинг иш билан чиқиб кетга-нини айтишдан нарга ўтишмади. ИИБга мурожаат қилганимга ҳам икки ойга яқинлашиб қолди. Лекин ҳануз мурожаатимга бирор жавоб олмадим...

Хўрматли тахририят ходимлари, фуқароларнинг арзини тинглаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам берувчи туман ИИБ ходимлари менинг аризамни қабул қилиб олиб, ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун зар-рача ҳам ҳаракат қилмаганларидан кейин сизларга шикоят қилишга мажбур бўлдим.

Сизлардан илтимос, менга Ҳ.А.дан ҳақимни олишга ёрдам берсангизлар. Акс-ҳолда йиллар давомида бола-чақамнинг келажаги учун югуриб-елиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бойлигимдан ажралиб қолишим мумкин.

Сизларга ишонч ва умид билан,

И.ЗОКИРОВ

ТАХРИРИЯТДАН: Гуруч курмасиз бўлмагани каби, орамизда ав-вал ўзганинг ишончига кириб, кейин уни суиистеъмол қилиб, жуф-такни ростлаб қолувчилар ҳам борлиги ачинарли ҳол. Аммо халқи-мизда бузоқнинг югургани сомонхонагача, деган мақол ҳам бор...

Биз атайлабдан жабрланувчига иқтисодий зарар етказган Ҳ.А. нинг исм-шарифини қисқартириб бердик. Чунки бировни оқлаш ёки қоралаш тахририятнинг ваколатига кирмайди. Муаммони тегишли идоралар ҳал қилади.

Бизни Олтиариқ туман ИИБ ходимининг хатти-ҳаракатлари ажаб-лантиради: Фуқаро мурожаатига ИИБ ходими шунчалик бепарво бўлса, жабрланувчи бош уриб, нажот сўраб қаерга борсин?!